

# Zarafshon

Fidoyilik — Vatanga xizmat demak!

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

2022-yil 9-iyun, payshanba, 66 (23.633)-son

www.zarnews.uz https://www.facebook.com/zarnews.uz @zarnews_uz https://twitter.com/zarnews_uz


**КУН ҲИКМАТИ**

Бу дунёда топадиган энг қиммат ва қадрли нарсамиз меҳр ва муҳаббатдир. Улар туфайли одам эзгу ниятига етишади

# САМАРҚАНД ЙЎЛЛАРИ РАВОН БЎЛМОҚДА



**Бугун Самарқанд шаҳри йўллари юзлаб махсус техникалар ҳаракатланаётган улкан қурилиш майдонига айланган. Қарийб бир ойдан буён ўндан зиёд марказий кўчада кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш, йўл қуриш ва муҳандислик коммуникация тармоқларини янгилаш ишлари амалга оширилмоқда.**

Ҳозиргача 52,4 километр автомобиль йўлларида таъмирлаш ишлари якунланди. Жумладан, 22,6 километр умумфойдаланишдаги автомобиль йўлларида ва Ибн Сино, Бўстонсарой, Рудакий, Уста Умар Жўрақулов, Шоҳизинда каби марказий кўчаларнинг 29,8 километр қисмида асфальт ётқизилиб, тўлиқ реконструкция қилинди. Йўл ёқаларини кўкаламзорлаштириш мақсадида 54 минг тупдан ортиқ манзарали дарахт ва буталар экилди.

- Айни вақтда қолган 43 километр автомобиль йўлларида йўл инфратузилмасини яхшилаш ҳамда йўл қопламаси устки асфальт қатламини ётқизиш ишлари амалга оширилмоқда, - дейди вилоят автомобиль йўллари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Акбар Мирзаев. - Самарқанд халқаро аэропортидан Самарқанд туризм марказигача бўлган йўлда таъмирлаш ишлари тўлиқ амалга оширилди. Мазкур автомобиль йўли 6 ва 8 тасмалига кенгайтирилиб, 295 дона тунги ёритиш чироқлари ҳамда 11 километр пиёдалар йўлаклари ва велойўлаклар барпо этилди. Янги лойиҳалар асосида қурилган Уста Умар Жўрақулов кўчаси орқали узунлиги 670 погонометр замонавий монолит темирбетон йўл ўтказгич, Имом Бухорий мажмуасига олиб борувчи автомобиль йўлидан кесиб ўтувчи Оқдарё устида узунлиги 130 погонометр бўлган янги кўприк қурилди.

Айни пайтда шаҳарнинг Регистон, Панжикент, Сўзангарон, Гулобод, Мирзо Улуғбек кўчаларида, шунингдек, Спитамен шоҳкўчаси, Шоҳизинда, Садриддин Айний кўчаларида асфальт ётқизиш ишлари давом этмоқда. Шаҳар бўйлаб 167,2 километр пиёдалар ва велосипед йўлакчалари қурилиб, 2156 дона тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди.

Шоҳизинда кўчасидан М-39 автомобиль йўлигача бўлган ҳудудда 174 та тунги ёритиш чироқлари ўрнатилиб, 9 километрдан зиёд саломатлик йўлаклари барпо этилди. Мазкур кўчаларга ҳам асфальт қопламаси ётқизиш ишлари якунланди.

Ушбу кўчаларда транспорт воситаларининг ҳаракати серқатнов бўлгани боис асфальт ётқизиш ишлари асосан дам олиш кунлари олиб бориляпти.

**Дилмурод ТЎХТАЕВ,**
**Алишер ИСРОИЛОВ (фото).**

**Ёшлар ойлиги**



# КЎҲНА КЕНТ ЁШЛАРИ БИРЛАШДИ

**Бундан 4–5 йил илгари Кимёгарлар ҳамда Хишрав шаҳарчаларининг кўчалари кундузлари кўримсиз, қоронғуда қўрқинчли эди. Самарқанд шаҳрининг чекка ҳудудида жойлашган, эътибордан четда қолган бу иккала қўрғон аҳолиси ҳам узоқ йиллар ичимлик суви, газ, электр энергиясидаги муаммолар билан яшаб келди. Кечалари кўчалари ёритилмайдиган шаҳарчаларга байрамлар ярашармиди?**

Кейинги йилларда бу икки шаҳарчада амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари уларнинг қиёфасини буткул ўзгартирди. Йўллар равонлашди, аҳолини қийнаётган коммунал муаммоларга ечим топилди. Кўчаларга замонавий ёритиш чироқлари ўрнатилиб, одамлар энди тунда ҳам бемалол сайр қилиш имкониятига эга бўлди.

Вилоятимиз бўйлаб “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остида ўтказилаётган ёшлар фестивали кеча айнан шу қўрғонларда давом этди.

- Бугун эрта тонгда  биз яшайдиган Кимёгарлар қўрғонида жойлашган 69-сонли ихтисослаштирилган махсус мактаб-интернат ёнидаги кўча, асосан, ёшлар, шунингдек, шаҳарчамизнинг спортсевар аҳолиси билан гавжум бўлди, - дейди Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти талабаси Шоҳрух Мамарасулов. – Бу ердан “Нурафшон” санъат саройи ҳовлисигача пиёда юриб, “Соғлом ҳаёт учун беш минг қадам!” шиори остидаги марафонда иштирок этдик. Бадантарбия машқларини бажардик. Шунингдек, Самарқанд давлат чет тиллар институтида ўтказилган “Заковат” интеллектуал ўйинида қатнашдик. Кечки пайт яна шаҳарчамизга, “Нурафшон” санъат саройи ёнидаги майдонга қайтдик. Бу ерда ўтказилган концерт дастури бутун шаҳарча аҳолисига байрамона кайфият бағишлади.

Фестиваль доирасида Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Ўзбекистон - Финляндия педагогика институтида ташкил этилган саҳнада санъатсевар ёшлар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Сартепа массивидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида футбол ва бадиий гимнастика бўйича кўргазмали чиқишлар ва мусобақалар ташкил этилди.

- 3 ёшимдан бадиий гимнастика билан шуғулланиб келаман, - дейди Самарқанд шаҳридаги 50-мактаб ўқувчиси Асал Аҳмедова. – Бир қанча республика мусобақаларида ғолибликни қўлга киритганман. Бугун ёшлар фестивали доирасида кўргазмали чиқишлар ва мусобақалар самарқандлик спортчилар учун яқинда Навоий вилоятида ўтказилаётган бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпионати учун маҳорат дарслари ҳамдир.

Ёшлар фестивали доирасидаги концерт дастури Хишрав қўрғонида ҳам ташкил этилди. Таниқли санъаткорларнинг чиқишлари тадбирга файз киритди.

Ёшлар фестивали доирасидаги тадбирлар бугун Қорасув массиви ҳамда Фарҳод шаҳарчасида ўтказилиши режалаштирилган.

**Тўлқин СИДДИҚОВ,**
**Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).**

**Бугуннинг гапи**

# НОННИНГ “РЕАЛ” НАРХИ ҚАНЧА?

## Уни назорат қилиб бўладими?




**Оқдарё тумани ҳокимлиги томонидан “Бозордаги нарх-наво барқарорлиги доимий назоратда” сарлавҳали хабар эълон қилингач, изоҳларда қатор қарши фикрлар билдирилди. Мазкур хабарда тумандаги ярмаркада қолипли нон 2000 сўмдан сотилаётгани айтиб ўтилган. Ўқувчилар эса бу хабарга кескин эътироз билдириб, “бозордаги нархларни биламиз-ку”, деб фикр қолдиришган.**

“Бозордаги нарх-наво барқарорлиги доимий назоратда”, деган гапнинг ўзи бозор иқтисодиёти қоидаларига зид экани ҳаммага маълум. Нарх-навонинг ўзи эмас, унга таъсир этувчи омиллар назоратда бўлса, бозорда нарх назоратсиз ҳам тушаверади.

Умуман, гап Оқдарё ёки ярмаркада ҳам эмас. Ун ва буғдойнинг эркин биржа савдоларига қўйилишидан олдин нархлар кескин ошиши мумкинлиги таҳлилчилар томонидан айтилганди ҳам.

Ўтган ҳафта эса тегишли идоралар қолипли ноннинг 2800 сўмдан сотилишини тавсиявий тарзда (мажбурий эмас) маълум қилганди. Чунки тадбиркор унни биржадан эркин сотиб олар экан, нон нархини ҳам эркин қўяди.

Аммо деярли икки баравар ошган нарх аҳоли учун оғирлик қилиши ҳам тайин. Шу мақсадда кейинги кунларда биржага қўйиладиган ун миқдори оширилди. Бу қатъий назоратдан кўра  самаралироқ, албатта.

Хусусан, 1 июнь куни “Ўздонмаҳсулот” АЖ таркибидаги 44 та корхона томонидан 10 минг тонна ун биржа савдоларига қўйилди.

Ўтказилган савдолар бўйича 1-навли уннинг ўртача нархи маҳсулотнинг бир тоннаси учун 4 497,8 минг сўмни ташкил қилганди.

Шундан сўнг мустақил таҳлилчилар қолипли нон ишлаб чиқариш қиймати ўртача 2550 сўмга тушаётганини айтишди. Шундан қийматнинг ичида тахминан:

ун 1641 сўм;
4 сўмлик туз;
18 сўмлик ўсимлик ёғи;
38 сўмлик ачитқи;
37 сўм ун ташиш.

Қолипли ноннинг тан нархи шундай бўлгач, газ, электр сарфи, ишчиларга тўланадиган меҳнат ҳақи, нонни савдо дўконига етказиб бериш харажатлари, солиқлардан келиб чиқиб, у бозор ва дўконларда 2500 сўмдан қимматга сотилиши тайин.

Демак, ягона ечим шу — биржада ун маҳсулотини яна ҳам кўпайтириш. Чунки биржа платформаларида сотув ҳажми пайдо бўлиши билан улгуржи ун сотувчиларда ҳам ун таклифи кескин кўпайган.

Нима бўлганда ҳам, айни вақтдаги эркин нархлардан истеъмолчи рози эмас ва тез орада (ҳозирда ғалла ўрим-йиғими бошланган) бозорда ғалла таклифи, унинг ортидан ун таклифи яна кўпайишидан ва нархлар тушишидан умид қиламиз.

Кеча Самарқандда ноннинг қанчадан сотилаётганини билиш мақсадида дўконларга кирдик. Самарқанд шаҳридаги энг йирик савдо дўконларидан бири – Korzinka.uz`да қолипли нон нархи 2990 сўм деб ёзиб қўйилган. Хуллас, иккита “буханка”ни 6000 сўмга сотиб олдик. “Саватча” дўконида ҳам қолипли нон нархи 3000 сўмга яқин. Бошқа кичик дўконларда ҳам худди шундай — 3000 сўм.

Истиснолар ҳам бор: Масалан, Самарқанд шаҳридаги farovon.uz савдо мажмуасида қолипли нон 1500 сўмдан сотилмоқда. Худди шундай, “Halal-market.uz” савдо дўконлари тармоғида ҳам нон нархи - 1500 сўм. Савдо мажмуаси масъулларининг маълум қилишича, қолипли ноннинг тан нархи уларгача 2300-2400 сўмдан тушмоқда. Савдо ходимларидан бири ноннинг эркин бозорда ошиб кетиши вақтинча экани, аммо бу даврда истеъмолчилар билан якдилликни сақлаш мақсадида нон нархи зарарига бўлса ҳам арзон ушлаб турилганини айтди.

Шунингдек, Самарқанд шаҳрининг энг гавжум бозорларидан саналган “Сиёб деҳқон бозори”га бордик.

- Уч кун аввал эрталаб онам “Қизим, ишдан қайтишингда иккита Самарқанд нонидан олиб кел”, деб 12 минг сўм берганди, - дейди ўзини Ҳилола деб таништирган харидор. - Хўп, деб соат 18:30 ларда “Сиёб бозори”даги нон расталарига бордим. Доим оладиган, тахминан 650-700 грамм тош босадиган ноннинг донаси шу пайтгача 6000 сўм эди. Ўша кундан донаси 7500 сўм бўлибди.

Расталарни айланиб, ноннинг нархини сўраб чиқдик. Ҳақиқатан ҳам бозорда Самарқанд нони нархи сезиларли ошган. Буни сотувчилар бир қоп уннинг нархи 31 майгача 320 минг сўм бўлгани ҳолда, ҳозир 350 минг сўм экани билан изоҳлашди.

Бу ерда оддий тандир нонлар ҳам сотилади. Пастдарғомлик сотувчи маҳаллий ун (“Оқтошдон”, “Жума элеватори”, “Самарқанддон” корхоналарида ишлаб чиқарилган)дан тайёрланган битта нонни 4000 сўмдан сотяпти. Оғирлиги 450-500 грамм чиқади. “Бир ой аввал шу нонларни 3500 сўмдан сотардик, олаётган унимизнинг бир қопи 20-30 минг сўмга ошди”, дейди у.

Чапчак нон сотадиган новвойлар билан ҳам гаплашдик.

- Бу нонни сифатли ундан тайёрламасангиз, харидорбоп бўлмайди, - дейди ўзини Ҳасан деб таништирган сотувчи. – Акам бозорга яқин новвойхонада пиширади, мен сотаман, баъзида ўзим ҳам ёрдамлашаман. “Мўътабар” навли биринчи нав ундан нон қиламиз. Бу уннинг қопи май ойида 350 минг сўмдан 400 минг сўмга ошиб кетди. Шунинг учун шу пайтгача 3,5 мингдан сотаётган нонни 4 минг сўмдан беряпмиз. Бундан арзонлаштирсак, харажатимизни қоплай олмаймиз.

Хуллас, нон нархи ҳақиқатан ҳам ошган, буни ҳамма билиб, ҳис қилиб турибди. “Нархлар барқарор”, “Барчаси назоратда”, деган баёнотлар керак эмас. Эркин бозор иқтисодиётига ўтиш, соғлом рақобат йўлини танлаш, афсуски, озми-кўпми, нархлар тебранишига чидашни талаб этади.

**Анвар МУСТАФОҚУЛОВ,**
**“Зарафшон” мухбири.**

Kun mavzusi

# Chet tili bo'yicha mutaxassis tayyorlovchi OTMlarda kirish imtihonlari ijodiy (amaliy) bo'ladi



Bu yilgi test sinovlarida ham barcha test topshiriqlari umumta'lim maktablari o'quv dasturlari doirasida shakllantirilgan. Davlat test markazi tomonidan o'tkazilayotgan kirish test sinovlarida oson, o'rta va qiyin darajadagi test topshiriqlaridan foydalaniladi. Test topshiriqlarini shakllantirishda avvalo, abituriyentning yodlash qobiliyatini emas, balki uning amalda qo'llay olish, ko'nikma va bilimlarini aniqlashga mo'ljallangan savollardan foydalanishga e'tibor qaratildi. Bu yilgi test savollarini tuzishda maktablardagi o'qitilish tillari inobatga olindi. Masalan, rus tili va adabiyoti (o'zga tilli sinflar uchun), rus tili va adabiyoti (rus tilidagi sinflar uchun).

**Joriy yil abituriyentlardan qanday hujjatlar talab qilinadi?**

Joriy yil ham abituriyentlarga hujjatlarni onlayn ro'yxatdan o'tkazish imkoniyati yaratiladi. Ya'ni, abituriyentlar YIDXP **https://my.gov.uz** tizimi hamda Davlat test markazining **https://my.dtm.uz** tizimi orqali ro'yxatdan o'tishlari mumkin. Agar abituriyent Davlat test markazi tomonidan o'tkazilgan chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha yoki boshqa xizmatlardan foydalanish maqsadida oldin ro'yxatdan o'tgan bo'lsa, uning yangidan ro'yxatdan o'tishi shart emas. Mavjud akkauntidan foydalangan holda "Abituriyentni onlayn ro'yxatdan o'tkazish" bo'limi orqali ro'yxatdan o'tadi. Yangidan ro'yxatdan o'tish jarayonida abituriyent shaxsini tasdiqlovchi hujjat (pasport, ID-karta)ning asli kerak bo'ladi. Chunki mazkur hujjatlarda JShShIR raqami beriladi. Ro'yxatdan o'tish tizimida ushbu ma'lumotlarni kiritish majburiy bo'lgan bandlar mavjud. Fanlar bo'yicha imtiyoz beruvchi xorijiy sertifikat (IELTS, TOEFL va b.)larning elektron nusxasini ilova qilgan holda ro'yxatdan o'tishlari mumkin. Agar abituriyent biror imtiyozga ega toifaga mansub bo'lsa, unga tegishli imtiyozlar to'g'risidagi ma'lumotlar ro'yxatdan o'tgan kabinetida o'z aksini topadi. Mabodo, ushbu imtiyoz beruvchi ma'lumotlar ro'yxatdan o'tgan kabinetda ko'rinmasa, abituriyent hujjatning asli hamda pasporti bilan mazkur hujjatni taqdim qilgan tashkilotga uchrashishi kerak.

**Kimlar hujjat topshirish payti to'lovni amalga oshiradi?**

Test sinovlari tashkil etilayotgan o'quv yilidan oldingi yillarda ta'lim muassasalarini tugatgan abituriyentlardan test sinovlarida ishtirok etishi uchun BHMning yarim baravari miqdorida to'lov undiriladi.

Bunda quyidagi toifadagi abituriyentlardan to'lov undirilmaydi:

- test sinovi tashkil etilayotgan yilda ta'lim muassasalarini tugatgan abituriyentlar;
- nogironligi bo'lgan shaxslar;
- to'liq davlat ta'minotidagi shaxslar ("Mehribonlik uyi" va "Bolalar shaharchasi"ning bitiruvchilari).

Prezidentimizning 2022-yil 20-apreldagi PF-113-son farmoni bilan ikki toifadagi abituriyentlar ham to'lovdan ozod etildi:

- "Ijtimoiy himoya yagona reyestri" axborot tizimida ro'yxatga olingan shaxslar va ularning farzandlari;
- "Yoshlar daftari"ga kiritilgan yoshlar.

Demak, 2022-yil 1-iyundan boshlab, mazkur ikki toifadagi abituriyentlardan ham test sinovi uchun to'lov undirilmaydi.

**Test sinovlari ochiq maydonlarda o'tkaziladimi? Samarqandda qaysi hududlarda test sinovlari bo'lib o'tadi?**

Viloyatimizda bu yilgi kirish test sinovlariga ikki xil variantda tayyorgarlik ishlari olib borilyapti. Hozirda yopiq tipdagi, katta sig'imli sport zallari va pavilonlar tanlanib, reja-chizmalari tasdiqlangan. Bular – SamDU akademik litseyi sport zali, Samarqand sportning yengil atletika va o'yin turlariga ixtisoslashtirilgan BO'SM sport zallari, SamDU jismoniy madaniyat fakulteti sport zali hamda Jomboy tumanidagi xalqaro ko'rgazmalar zali pavilonlari. Pandemiya bilan bog'liq vaziyat ochiq maydonlarda o'tkazishni taqozo qilsa, Samarqand shahri va atrofidagi "Lokomotiv" markaziy jismoniy tarbiya sport klubi Samarqand filiali futbol stadioni, Samarqand shahar 2-BO'SM stadioni, "Nurafshon" futbol stadioni, Samarqand tumani va Jomboy tumani BO'SM futbol maydonlarida test sinovlarini o'tkazishga tayyorgarlik ko'rilmoqda.

**Chet tilini bilish darajasi bo'yicha sertifikatga ega bo'lganlarga o'sha fandan necha ball beriladi?**

Chet tilini bilish darajasi bo'yicha xorijiy va milliy sertifikatning V2 va undan yuqori darajasiga ega bo'lgan abituriyentlarga o'sha fandan test topshirish blokida belgilangan maksimal ball beriladi. Bunda, Toshkent davlat yuridik universitetida mazkur sertifikatdagi yozish ko'nikmasi uchun alohida talablari mavjud (masalan, IELTS Writing 5.5 dan kam bo'lmasligi kerak). Shu o'rinda yana bir holat bo'yicha ma'lumot berib o'tishimiz kerak. Bu yildan boshlab, Vazirlar Mahkamasining 34-son qaroriga muvofiq, chet tili bo'yicha mutaxassis tayyorlovchi 6 ta oliy o'quv yurtida chet tili fanidan kirish imtihonlari ijodiy (amaliy), ya'ni tinglab tushunish, o'qish, yozish va gapirish ko'nikmalari bo'yicha o'tkaziladi. Bunda abituriyentga har bir ko'nikma bo'yicha to'plagan ballari yig'indisi shaklida ball qo'yilib, DTM ma'lumotlar bazasiga kiritiladi.

**Agar abituriyent asosiy ikki fandan ham sertifikatga ega bo'lsa, u faqat majburiy blokdagi 3 ta fanning savollarini yechadimi?**

Agar abituriyent test sinovlari blokidagi asosiy 1 va 2-fanlardan imtiyoz beruvchi sertifikatlarga ega bo'lsa, u faqat majburiy fanlar blokidagi savollarga javob beradi, ajratilgan vaqt ham mazkur vaziyatda mos ravishda 1 soatni tashkil etadi.

**Talaba o'z xohishiga ko'ra test sinovlarida qatnashishi mumkinmi? Agar u o'qishga kirsa, avvalgi o'qishini tashlab, keyingi kirgan OTMda o'qishi mumkinmi?**

Onlayn ro'yxatdan o'tish tizimida hech qanday cheklov o'rnatilmagan. Talabalar ham o'z xohishiga ko'ra, test sinovlarida ishtirok etishi mumkin. Bordi-yu, yangidan tanlagan yo'nalishiga o'qishga qabul qilinsa, xohishiga ko'ra, oldingi o'qish joyidan arizasiga ko'ra, talabalar safidan chiqarilib, keyingi OTMda o'qishini davom ettirishi mumkin.

**Bu yil test sinovlariga yana qanday o'zgarishlar kiritilyapti?**

Ta'lim muassasalariga o'qishga qabul qilish bo'yicha Davlat komissiyasining 13-son bayoni bilan bu yilgi test sinovlarida fan bloklari, test topshiriqlari soni va baholash mezonlari tasdiqlandi. Unga ko'ra, asosiy blok fanlaridagi test topshiriqlari soni 30 tadan hamda majburiy fanlar blokidan har bir fandan test topshiriqlari soni 10 tadan, jami 30 ta qilib belgilandi. Baholash mezonida ham o'zgarish mavjud. 1-blok fani bo'yicha har bir to'g'ri javob uchun 3.1 ball, 2-blok fani bo'yicha har bir to'g'ri javob uchun 2.1 ball, majburiy fanlar bloki bo'yicha har bir to'g'ri javob uchun 1.1 baldan baholanadi. Abituriyent to'plashi mumkin bo'lgan maksimal ball 1-blokdan 93 ball + 2-blokdan 63 ball + majburiy fanlar blokidan 33 ball = 189 balni tashkil etadi.

**Savollarga Davlat test markazi viloyat bo'limi boshlig'i Vohid SIRLIBOYEV javob berdi.**

# Бугунги лойиҳалар эртанги тараққиёт кафолати



**Сармоя мамлакат иқтисодий тараққиётининг барқарорлигини белгилайди. Айниқса, хорижий капитал киритилиши ўша давлат иқтисодиётига ишонч ва тараққиётига бўлган кафолатни англатади.**

Булунғур туманида жорий йилда 2 та корхона томонидан 8 миллион доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилади. Жумладан, "SAMARKAND-KZT ЭКО MILK COMPANI" масъулияти чекланган жамияти томонидан қиймати 17,5 миллион долларлик иссиқхона ва чорвачилик комплекси ташкил этишга киришилади. Лойиҳани амалга ошириш учун жорий йилда 3 миллион доллар миқдорида хорижий инвестиция ўзлаштирилади ҳамда 80 та янги иш ўрни яратилади.

"Ғўбдин соф паррандалари" масъулияти чекланган жамияти томонидан жорий йилда қиймати 6 миллион долларлик паррандачилик хўжалиги ташкил этилади ва 5 миллион доллар хорижий сармоя ўзлаштирилади. "Samarqand Richland International Investment" МЧЖ хорижий корхонаси томонидан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш лойиҳаси доирасида 150 минг доллар хорижий инвестиция киритилган.



"ХИТОЙ БЕШ БАРМОҚ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ" масъулияти чекланган жамияти хорижий корхонаси туманда пишиқ ғишт ишлаб чиқариш лойиҳасини кенгайтириш мақсадида 523 минг доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 24 январдаги видеоселектор йиғилишида ҳар бир шаҳар, туманга қўшимча 50 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштириш топшириғини берган. Ушбу топшириқ ижроси юзасидан бугунги кунда туманда умумий қиймати 94 миллион долларлик 9 та лойиҳа таклифлари ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳалар доирасида жорий йилда 38,5 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилиши режалаштирилган.

- Бундан ташқари, умумий қиймати 328,1 миллиард сўмлик 34 та ҳудудий инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши ва қўшимча 2520 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилган, - дейди туман ҳокимлиги инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи ўринбосари Аллаёр Маҳрамов.

Биргина қишлоқ хўжалиги йўналишида 5 та узумчилик кластери томонидан 3 минг гектар ер майдонида қиймати 142,7 миллиард сўмлик лойиҳалар доирасида 2129 та доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилади.

Яна қиймати 51,6 миллиард сўмлик паррандачилик, пиллани қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, савдо ва маиший хизмат кўрсатишга доир лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ҳақиқатда туман янги корхона очиш, сармоя киритиш, сотиш ва қайта ишлаш учун географик жиҳатдан ҳам, логистика жиҳатидан ҳам қулай ҳудуд ҳисобланади. Биргина қишлоқ хўжалиги йўналишини оладиган бўлсак, туман аҳолиси бу борада етарлича тажриба ва кўникмага эга. Туманда чорвачилик, боғдорчилик, узумчилик ва бошқа соҳаларда фаолиятни ташкил этиш истиқболли ҳисобланади.

Масалан, 2016 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш йўналишида фаолият бошлаган "SAMARQAND GARDEN PLAST" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонаси йилига 20 минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотини музлатиш ва қайта ишлаш қувватига эга.

- Корхонамизда мавсумда 400 нафарга етадиган ишчилар ёрдамида гулкарам, ошқовоқ, булғор қалампири, қовун, шафтоли, гилос, бақлажон, исмалоқ ва бошқа маҳсулотларни қайта ишлаймиз, - дейди жамият цех бошлиғи Фарҳод Қўчқоров. – Шафтоли, олча, булғор қалампири ва гулкарам корхона тасарруфидаги 1400 гектар майдонда етиштирилади. Қовун, ошқовоқ Жиззах вилоятидан келтирилади. Ҳозирда Россия, Украина, Беларусь, Жанубий Корея, Хитой давлатларига йилига 5 минг тоннагача маҳсулот экспорт қиламиз.

Ўтган йили Швейцариядан 800 минг долларга қишлоқ хўжалик маҳсулотини 40 даражагача музлатиш имконини берувчи замонавий ускуна олиб келдик. Бу ишлаб чиқариш ҳажмини 50 фоизгача оширади. Нидерландиядан 400 минг долларга маҳсулотни ярим тайёр ҳолга келтирувчи ускуна харид қилинди. Яна 200 минг долларга лазер ва ҳаво орқали маҳсулотни сараловчи жиҳозлар олдик. Гулкарам ва броколи маҳсулотини кесиш учун Италиядан 200 минг долларга пичоқлар келтирилди. Бу ускуналар меҳнат самарадорлигини 50 фоизга оширади, маҳсулот қабул қилиш ва экспорт ҳажмини икки баробар кўпайтиради.

2023 йилда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун корхона ҳудудидан помидор ва шафтолини консервалаш заводи қурилади.

**Ўктам ХУДОЙБЕРДИЕВ, Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).**

## Бир рақам шарҳи

**Тадбиркорликни ривожлантириш йўналишида 1123 та маҳаллага 1162 та етакчи тадбиркор бириктирилиб, 2381 та хонадонда доимий даромад манбаи яратилди.**

# Маҳалла раислари ўқитилади

**Матбуот уйида вилоят маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан ташкил этилган анжуманда соҳа мутасаддилари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Унда маҳаллаларнинг институционал асосларини такомиллаштириш, мазкур тизим учун юқори малакали мутахассисларни мақсадли тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз борди.**



Жорий йилнинг май ойида бўлиб ўтган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловида вилоятимиздаги 1126 маҳаллага раис сайланди. Жумладан, 772 нафар раис биринчи марта ўз фаолиятини бошлади.

Маҳалла раислари бугун ҳар бир соҳада тушунчага эга, янгиликлардан хабардор бўлиши лозим. Шу мақсадда уларни соҳага оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан яқиндан таништириш, ижтимоий-сиёсий билимлари, раҳбарлик кўникма ва малакаларини ошириш учун машғулотлар ташкил этиляпти.

- Маҳалла раислари вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш ўқув курсида 42 мавзу бўйича 36 академик соатдан иборат ўқув машғулотларида иштирок этади, - дейди вилоят маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Исроил Жабборов. - Ушбу ўқув семинарлар олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ҳамда амалиётчи мутахассислар томонидан олиб борилади. Режага мувофиқ, июнь ойида ўтиши белгиланган ўқувлар барча ўзини ўзи бошқариш органлари раисларини қамраб олади.

Ўқув жараёнида фуқаролар йиғинлари раислари раҳбарлик маҳорати ва муомала маданияти, аҳолининг эҳтиёжманд қатлами ва кекса авлод вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлашда маҳалланинг ваколатлари, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбиясида самарадорликка эришиш, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича тушунчага эга бўлади.

Президент қарорига кўра

# Меҳнат қонунчилигида аёлларга қўшимча кафолатлар белгиланган

**Президентимизнинг 2021 йил 29 июндаги "Давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан адлия бошқармалари ҳузурида юридик хизмат кўрсатиш марказлари ташкил қилинди.**

Мазкур қонунчилик ҳужжати асосида Ургут тумани адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш маркази томонидан давлат органлари ва ташкилотларда меҳнат фаолиятини олиб борувчи аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган қўшимча кафолатлар бўйича ҳуқуқий ахборотлар бериб борилмоқда.

Меҳнат қонунчилигида аёлларга қўшимча кафолатлар белгиланган.

Жумладан, ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади. Ҳомиладор аёлни ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда иш берувчи рад этишнинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум қилиши шарт. Мазкур шахсларни ишга қабул қилишни рад этганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин;

- ҳомиладор аёлларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди. Шу билан бирга, ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни тунги ишларга жалб қилишга бундай иш она ва боланинг соғлиғи учун хавф туғдирмаслигини тасдиқловчи тиббий хулоса бўлган тақдирдагина йўл қўйилади;

- уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади;

- ҳомиладор аёлларга ва бола туққан аёлларга йиллик таътиллар, уларнинг хоҳишига кўра, тегишлича ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки ундан кейин ёхуд болани парваришлаш таътилидан кейин берилади;

- аёлларга туққунга қадар етмиш календарь кун ва туққанидан кейин эллик олти календарь кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда - етмиш календарь кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили жамланган ҳолда ҳисоблаб чиқилиб, туғишга қадар амалда бундай таътилнинг неча кунидан фойдаланилганидан қатъи назар, аёлга тўлиқ берилади. Ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун таътил берилиб, бу даврда қонунчиликда белгиланган тартибда нафақа тўланади.

Аёлга унинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади.

Болани парваришлаш таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътиллар меҳнат стажига, лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан олти йил, шу жумладан, мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшилади.

Болани парваришлаш таътилларининг вақти, башарти жамоа шартномасида, корхонанинг бошқа локал ҳужжатида ёхуд меҳнат шартномасида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшилмайди.

Ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди (корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно). Бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни албатта, ишга жойлаштириш шарти билан бекор қилинади.

**О.ДОНИЁРОВ, Ургут тумани адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш маркази бош юрисконсульти.**

9 июнь – Халқаро архив куни

# Шароф Рашидовнинг шахсий ҳужжатлари қаерда?

**Архивлар – давлатнинг тарихини ўзида мужассам этган, ҳужжатли асосга таянган йирик ахборот манбаи.**

9 июнь бутун дунёда Халқаро архивлар куни сифатида нишонланади. Мазкур байрам Халқаро архивлар кенгаши томонидан 2007 йилда Квебекдаги Бош ассамблеяда ташкил этилган. Бу кун архив иши ютуқлари ва муаммоларига кенг жамоатчиликни ва қарорлар қабул қиладиган шахсларнинг эътиборини қаратиш мақсадида белгиланган. Қолаверса, мазкур сана барча архив ходимлари томонидан касб байрами сифатида нишонланади.

Ўзбекистон ҳудудида архивларнинг пайдо бўлиши бевосита унинг уч минг йиллик давлатчилик тарихи билан боғлиқ. Бугунги кунгача сақланиб қолган архив ҳужжатларида асосан Ўрта Осиё ҳукмдорларининг маълум имтиёз ва мукофотлар бериш тўғрисидаги ёзувлари, солиқларни йиғиш тўғрисидаги маълумотлар, иқтисодий тусдаги турли хил ёзишмалар ҳамда камдан-кам ҳужжатлар нусхалари ёки маълумотлар акс этган. Замонавий маънодаги мутахассислар ишлайдиган алоҳида, махсус муассаса сифатида архив XIX аср охирида шаклланган.

Бугунги кунда вилоятимиз давлат архивида фан, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тўғрисида маълумот берувчи ҳужжатлар ўрин олган. Шунингдек, бу ерда 50 дан зиёд шахсий фондлар ҳам мавжуд бўлиб, улар орасида ҳарбий мутахассислар, йирик фан ва адабиёт номояндалари, давлат арбоблари ва бошқа таниқли кишиларнинг ҳужжатлари сақланяпти. Булар нафақат ўша инсоннинг авлодларига, балки кенг жамоатчиликка ҳам қизиқ ва айни пайтда муҳим тарихий манба.

Яқинда Президентимизнинг таклифи билан Самарқанд давлат университетига етук давлат арбоби Шароф Рашидов номи берилди. Ушбу сиёсий арбобнинг ҳаёти ва фаолиятидаги қисқа, аммо муҳим бир тарихий вақт - Самарқанд давлат университети филология факультетида ўқиган даврига тегишли шахсий ҳужжатлари ҳозирда Самарқанд давлат архивининг 637-фондида сақланади.

Буларнинг бари муҳим бир тарих, миллий давлатчилигимиз, улуғ ўтмишимиз ва буюк аждодларимиздан хотира. У орқали биз ўз тарихимиз ва зиёлиларимизнинг босиб ўтган йўллари тўғрисида маълумотларга эга бўламиз.

**Фазлиддин УЛУҒОВ.**

# УРГУТДА ЭКОФЕСТИВАЛЬ ЎТКАЗИЛДИ

**“Ургут” эркин иқтисодий зонасида 5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни муносабати билан “Табиат учун бирлашайлик!” шиори остида экофестиваль бўлиб ўтди.**




Унда 300 нафардан ортиқ табиатсеварлар ва ёшлар қатнашди.

Фестиваль аввалида республика Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи Ўлмас Собиров атроф-муҳит муҳофазаси ва туманда ободонлаштириш ишларига қаратилаётган эътибор хусусида сўз юритди.

- Ушбу экофестивалнинг Ургутда ташкил этилиши бежиз эмас, - дейди Ў.Собиров. – Чунки ҳудудда ишлаб чиқариш йўналишларида ҳосил бўладиган чиқиндилар инновацион технологиялар орқали қайта ишланиб, атроф-муҳитга заҳарли моддалар тарқалишининг олди олинмоқда. Буни “Ургут” эркин иқтисодий зонасидаги ишлаб чиқариш корхоналари мисолида кўриш мумкин.

Тадбир доирасида оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида “Ургут” эркин иқтисодий зонаси ҳудудидаги корхоналарга медиа-тур уюштирилди.

- “Ургут” ЭИЗда умумий қиймати 623,4 миллион АҚШ долларилик 107 та лойиҳа амалга оширилмоқда, - дейди “Ургут” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси директори ўринбосари Абдуғаффор Мадаров. - 1 май ҳолатига, умумий қиймати 307,2 миллион АҚШ доллари бўлган 63 та лойиҳа ишга туширилиб, 4024 та янги иш ўрни яратилди. Йил якунига қадар қиймати 53,4 миллион долларлик 19 та лойиҳа амалга оширилади ва 1600 та янги иш ўрни яратилади.



Фестиваль бўш иш ўринлари ярмаркаси билан давом этди. Унда 26 нафар фуқарога ишга жойлашиш учун йўлланма берилди, 2 нафар фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди.

**Бурҳон БОБОМУРОДОВ.**

# Коррупцияга қарши курашишда жамоатчиликнинг фаол кўмаги зарур

**“Самарқанд” ташқи иқтисодий фаолият божхона постида божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар ва ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари билан ўтказилган давра суҳбатида шу мавзуга алоҳида эътибор қаратилди.**

Унда божхона маъмуричилигини янги босқичга олиб чиқиш, божхона ва юк операцияларини рақамли трансформация қилиш орқали инсон омилини кескин қисқартириш, божхона соҳасини очиқлик, шаффофлик ҳамда ишончлилик тамойиллари асосида коррупциядан холи тизимга айлантириш борасида гап борди.

- Президентимизнинг шу йил 27 апрелда қабул қилган “Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида божхона соҳасини коррупциядан холи тизимга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилди, - дейди вилоят божхона бошқармаси бўлим бошлиғи Р.Акбаров.

– Бу ҳужжатда 2022 йил 1 июлдан бир божхона постида уч йилдан ортиқ хизматни ўтаган ходимлар ротация қилиниши, 2022 йил 1 декабрга қадар божхона органларида коррупцион хавфларни бошқариш автоматлаштирилган тизими ишлаб чиқилиши, 2023 йил 1 январдан бошлаб божхона органлари ходимларининг даромадлари ва мол-мулкини декларациялаш амалиёти босқичма-босқич жорий этилиши белгиланди. Очиғи, тизимда коррупцияга қарши курашишда жамоатчиликнинг ҳам фаол кўмаги зарур. Бу борада Давлат божхона қўмитасининг 11-08 қисқа рақамли “Ишонч телефони”га куннинг исталган вақтида мурожаат қилиш мумкин.

Тадбирда шунингдек, божхона



расмийлаштируви бўйича мутахассислар ТИФ иштирокчилари томонидан товар ва транспорт воситаларини божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказишда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларнинг олдини олиш мақсадида меъёрий ҳужжатлар мазмуни юзасидан ҳам тушунчалар берилди.

**Ғайрат САТТОРОВ.**

# Қизил ярим ой жамияти 652 миллион сўмлик ёрдам кўрсатди

**Бу ҳақда Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти вилоят ташкилоти томонидан Халқаро Қизил Хоч қўмитасининг “Коммуникация” дастури бўйича журналист ва блогерлар иштирокида ўтказилган давра суҳбатида маълум қилинди.**

- Кейинги уч йилда эҳтиёжманд, ногирон ва ижтимоий муҳофазага муҳтож фуқароларга 652 миллион 450 минг сўмлик меҳр-шафқат ёрдами кўрсатилди, - дейди ташкилот раҳбари М.Арипова. – Шунингдек, 20 миллион сўмлик ногиронлик аравачалари, танометр ва қўлтиқтаёқлар ҳамда 25 турдаги тиббий реабилитация воситалари олиб берилди. Жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш курсида ўтган йил 224 нафар, жорий йилнинг беш ойи мобайнида 165 нафар фуқаро ўқитилди.

Учрашув давомида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига беғараз кўмак бериш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари ҳақида сўз юритилиб, фавқулодда вазиятларда аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш фаолиятига оид видеолавҳа намойиш этилди.

**Ф.РЎЗИБОЕВ.**

REKLAMA, E’LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e‘lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56


## ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасида марҳум Аббасов Исмоил Махмудовичга (2020 йил 27 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Бахриев Маруфжон Самаровичга (2012 йил 15 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**

* * *

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Бабанов Болибай Акмирзаевичга (2020 йил 29 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шаҳло Баҳриллоевна нотариал идорасида марҳум Шиманкин Юрий Николаевичга (2021 йил 21 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шаҳло Баҳриллоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 17-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шаҳло Баҳриллоевна нотариал идорасида марҳум Халилов Каххор Салимовичга (2019 йил 4 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шаҳло Баҳриллоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 17-уй.**

* * *

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Муҳаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасида марҳум Кубаев Рузимурот Бобоновичга (2020 йил 13 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Муҳаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 76-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нарзуллаева Лола Шукуруллаевна нотариал идорасида марҳум Кузибаев Маруфга (2020 йил 27 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нарзуллаева Лола Шукуруллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Нодирабегим кўчаси, 5/1-уй.**

* * *

## БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд шаҳридаги "DANATAR INVEST" масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 307676514) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ туманидаги 84-умумий ўрта таълим мактабидан 2012 йилда Алимова Бахора Хамдамхоновна номига берилган U № 5386618 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат тиббиёт институтидан 2017 йилда Ташпулатов Сардор Усанович номига берилган рўйхат рақами 42912, В № 904660 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур туманидаги 18-ўрта мактабдан 1985 йилда Хамроалиева Саломат Гафуровна номига берилган Г № 397268 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур педагогика ва спорт коллежидан 2017 йилда Содиқов Мухриддин Абдужалол ўғли номига берилган К № 4675759 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут тадбиркорлик касб-ҳунар коллежидан 2019 йилда Каршиев Хусен Амриддин ўғли номига берилган рўйхат рақами 275, К № 5579117 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 12-ўрта мактабдан 1994 йилда Назарова Гулмира Муртазаевна номига берилган А № 498096 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 12-ўрта мактабдан 1987 йилда Назарова Гулчера Муртазаевна номига берилган Д № 366099 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туманидаги 55-умумий ўрта таълим мактабидан 2016 йилда Холиков Руслан Абдурасулович номига берилган U № 7459117 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туманидаги 70-умумий ўрта таълим мактабидан 2009 йилда Шокирова Шаҳнозабону Ҳомид қизи номига берилган U № 4282080 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабидан 2002 йилда Махмадкулова Элнора Мехрочовна номига берилган АО № 2546589 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

## “BEST REALTOR”

**масъулияти чекланган жамияти Самарқанд минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Савдога "SAMARQAND DORI-DARMON" АЖ бошқарувининг 07.06.2022 йилдаги МВ-11/185 сонли буюртманомасига асосан "SAMARQAND DORI-DARMON" АЖга қарашли Каттақўрғон шаҳри Алишер Навоий кўчаси, 136-уйда жойлашган умумий майдони 1365,46 кв.м., қурилиш тагидаги майдони 825,15 кв.м., фойдали майдони 792,85 кв.м.ни ташкил этган **15-сонли марказий дорихона бинолари** (А литер дорихона, Б литер омборхона, В литер стерилизация биноси, Г литер ошхона, Д литер қоровулхона ва Е литер ҳожатхона, ер майдонисиз) 1 000 000 000 сўм бошланғич баҳода қўйилмоқда.

Савдо **2022 йил 12 июль куни соат 11:00 да** савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда (Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 1-уйда) бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун буюртмалар хабарнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб, расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Буюртмаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2022 йил 11 июль куни соат 18:00.

Юқоридаги кўрсатилган мулклар 2022 йилнинг 12 июль куни ўтказиладиган аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдолари 2022 йилнинг **27 июль ва 12 август кунлари соат 11:00 да** Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 1-уйда бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш савдо санасидан бир кун олдин соат 18:00 да (13:00 дан 14:00 гача тушлик) тўхтатилади. Аукцион савдоси натижалари савдо ўтказилган манзилда савдо ўтказилгандан сўнг эълон қилинади.

Ушбу мулклар ҳамда уларга тегишли ҳужжатлар билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Мулк сотувчисининг манзили: Паст Дарғом тумани Дўстлик массиви, Ертешар кўчаси, 1-уй.

Савдода қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

- жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун хужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

- аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Аукцион савдоси натижалари савдо ўтказилган манзилда савдо ўтказилгандан сўнг эълон қилинади. Савдо натижасига кўра савдо ғолибига 10 кун муддатда сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ҳамда шартнома шартларига кўра тўловларни амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Best Realtor” МЧЖнинг АТБ “Капиталбанк” Тошкент шаҳар филиалидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: Ҳ/р: 20208000500433601001 МФО: 00445, СТИР: 303179580.

Савдо ташкилотчиси жойлашган ва савдода иштирок этиш учун буюртманомалар қабул қилинадиган манзил:

**Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 1-уй**.

Телефон: **+99893-331-70-80**. Расмий сайтимиз: **www.emulk.uz**

электрон почта манзили: **best.samarqand@inbox.uz**

*Хизматлар лицензияланган.*

* * *

Ургут туманидаги 108-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Раббимов Эгамберди Мамарасул ўғли номига берилган UM № 0546379 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туманидаги 81-умумий ўрта таълим мактабидан 2008 йилда Муҳаммадиев Бахтиёр Салоҳиддин ўғли номига берилган U № 3143773 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Собиқ Гўзалкент туманидаги 13-ўрта мактабдан (Паст Дарғом туманидаги ҳозирги 93-умумий ўрта таълим мактабидан) 1995 йилда Тўғанова (ҳозирда Аллаева) Адолат Нормуратовна номига берилган АО № 233677 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Бекмуродов Алжалил Бахтиер угли номига берилган U № 2538225 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд туманидаги 39-умумий ўрта таълим мактабидан 2000 йилда Мирзаева Манзила Собиркуловна номига берилган U № 524660 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Каттақўрғон туманидаги 89-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Рузиева Маржона Фахриддин қизи номига берилган UM № 0507377 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Каттақўрғон туманидаги 57-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Ботирова Дилноза Дустмуратовна номига берилган O’R-SH № 0237144 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ тумани Челак транспорт касб-ҳунар коллежидан 2019 йилда Рахмонов Улуғбек Ғайрат ўғли номига берилган рўйхат рақами 4540, К № 5551326 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

## ТОПГАНГА МУКОФОТ!

Фуқаро Бутаев Урал Холмўминовичнинг фуқаролик паспорти Жомбой тумани ҳудудида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатни топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.

**Телефон: +99899-161-50-67.**

* * *

## ҲАҚИҚИЙ ҲИСОБЛАНМАЙДИ!

"Зарафшон" газетасининг 2022 йил 4 июнь 64-сони 3-саҳифасида "БЕКОР ҚИЛИНАДИ" сарлавҳаси остида Пайариқ туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг гербли думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилиниши ҳақида эълон чоп этилганди. Ушбу муҳр ва тамға топилганлиги сабабли мазкур эълон ҳақиқий ҳисобланмайди.

* * *

"Зарафшон" газетасининг 2022 йил 26 май 60-сони 3-саҳифасида "БЕКОР ҚИЛИНАДИ" сарлавҳаси остида Самарқанд шаҳридаги 7-умумий ўрта таълим мактабидан 2015 йилда Мирзаев Отабек Зафар ўғли номига берилган U № 6904212 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома ва Самарқанд шаҳар коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежидан 2018 йилда Мирзаев Отабек Зафар ўғли номига берилган рўйхат рақами 517, К № 5127895 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилиниши ҳақида эълон чоп этилганди. Ушбу шаҳодатнома ва диплом топилганлиги сабабли мазкур эълон ҳақиқий ҳисобланмайди.

# Таълимга бағишланган умр

## Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Мавлон Жўрақуловни хотирлаб

... 1987 йил январь ойи... Афғонистонда ҳарбий хизматни якунлаб, она юртим Самарқандга қайтдим. Олдимда ишга кириш муаммоси кўндаланг бўлди. СамДУ филология факультетига бош уриб бордим. Бўш жой йўқ. Садриддин Айний номидаги Самарқанд педагогика институти бўларди, у ерга бордим. Бўш ўрин топилмади. Самарқанд давлат музейи қўлёзмалар бўлимига ҳам бориб мурожаат қилдим. Яна рад жавобини олдим. Бошим қотди. Ўшанда отамнинг: "Сени икки йил кутдик. Бироз ёнимизда бўл, кўзимиз тўйсин", деган сўзлари таъсир қилиб, Тошкентни ташлаб келгандим. Ҳафсалам пир бўлиб, яна Тошкентга, ҳарбий хизматгача ишлаган жойим – ТошДУ Шарқ факультетига қайтсаммикан, деган фикрга ҳам келдим. Отамнинг анча дардманд бўлиб қолгани сабабли бу фикримдан ҳам қайтдим. Ўйлаб-ўйлаб, тўғри СамДУ ўқув ишлари бўйича проректори қабулига бордим. Ноумид шайтон. Балки бирор иш топиб беришар. Қабулхонада анча кутдим. Навбатим келгач, ичкарига кирдим. Чоғроққина хонада тўладан келган, салобатли бир киши ўтирарди. Кирдиму эшик олдида тош қотдим. Проректор аллақандай қоғозларга имзо чекарди. У менга кўзойнак остидан назар солди-да, "Хўш, йигит, келинг ўтиринг", дея курсига ишора қилди. Ўриндиққа чўкдим. Қоғозларга қўл қўйиб бўлдилар шекилли, бир четга суриб, савол назари билан боқиб, жим турдилар. Салобат босдими ёки у кишининг индамай турганидан мен ёқмадимми деган хаёлга ҳам бордим. Хуллас, ўзимни босиб олиб, дардимни айтдим. Индамай тинглади. Сўнг бир гап гапирмай, котибани чақириб, филология факультети декани Нуриддин Шукуровни улашни буюрди. Масала айтилди. Декан у кишига нима деганини эшитмадиму, аммо проректор "бу йигитчага иш топиб бериш керак" деган қатъий талабидан кўнглим жойига тушди. Бироқ декан назаримда бўш жой йўқлигини айтди шекилли, проректор бир сония ўйланиб, "бошқа факультетдан бир лаборант штатини сизга ўтказиб бераман, йигитни ишга олинг", деди. Хурсанд бўлиб кетдим. Раҳмат айтиб, ўрнимдан қўзғалаётган эдим, "ўтиринг", деган ишора бўлди. Проректор таржимаи ҳолим ва орзу-умидларим билан қизиқа бошлади. Кўзида меҳр кўргандек бўлдим. Сайрай кетдим. Проректор диққат билан эшитди-да, "Майли, ҳозирча ишлаб туринг-чи, кейин яна ўйлашиб кўрамиз, сизга бошқа тузукроқ иш топиб берарман", деб юпатиб қўйгандек бўлди. Тўғриси, ўша пайт ҳар қандай "қора" ишга ҳам рози эдим. Аммо кўнглимнинг бир чеккасида "ахир, қизил дипломли мутахассис бўлсам, 2-3 тилда бемалол гаплашсам-у, иш тополмасам", деган хаёл билан жуда ўксиниб турган эдим.

Проректорнинг бу сўзларидан кейин кўнглим анча кўтарилди. Бу инсон Мавлон Жўрақулов эди.

... Факультетда ишлай бошладим. Кўп ўтмай, декан мени Мавлон Жўрақулович чақираётганини айтди. Ректоратга бордим. Мавлон Жўрақулович ўтган галгидек, қоғозларга кўмилиб ўтирарди. Киришим билан домла "Ҳа, мулла, ишлар юришиб кетдими?", деб жилмайиб ўтиришга ишора қилди. Яна бир карра миннатдорчилик билдириб, кабинет четидаги стуллардан бирига ўтирдим. "Хўп, сизга бир иш топдим. Бизнинг ректоримиз ёрдамчиси Раҳимжон аспирантурага кирди, сизни унинг жойига ўтказсак, нима дейсиз?", дея савол назари билан қаради. Катта бир университетнинг ректорига ёрдамчи бўлиш ҳаммага ҳам насиб қилмаслигини яхши тушунардим.



Хурсанд бўлиб кетдим. Ўша куниёқ лавозимни қабул қилиб олдим. Буни қарангки, сал ўтмай университет ректори академик Шавкат Алимов Тошкентга ишга ўтказилиб, Мавлон Жўрақулович ректор этиб сайланди. Шу-шу ҳаётим Мавлон Жўрақулович билан боғланди.

Домла салобатли инсон эди. Виқор билан қадам ташлар, камгап ва ниҳоятда вазмин эди. Айримлар у кишининг виқорини мансаби юқорилигидан кўрарди. Мен у кишининг бу характери туғма экани, талабалик даврларида ҳам шундай жиддий бўлганлигини кўп яқинларидан эшитганман. Домла виқор билан юрса-да, жуда меҳрибон, куюнчак инсон эди. Қабулига муаммо билан кирган ҳар бир инсоннинг иши ҳал бўларди. Бирон кимсани норози қилганини билмайман. Меҳмондўстликда Мавлон Жўрақуловичга тенг келадигани йўқ эди. Уйида ҳамиша меҳмонлар учун дастурхон ёзилган, келган одамнинг олдига иссиқ овқат тортилмасдан жавоб берилмас эди. Дам олиш кунлари ўз қўллари билан палов дамлашни яхши кўрарди.

Домла атрофидагилар, ходимлар ва шогирдларига жуда ғамхўр эди. Университетга раҳбарлик қилган йиллари доим ёнларида бўлганман. Орамиздаги муносабатлар ота-ўғил муносабатидек яқин эди. У киши менга, мен у кишига қаттиқ боғланиб қолган эдик. Домла ўз кечинмаларини ошкор қилишни ёқтирмас ва унча-мунча одам билан дилдан гаплашмас эди. Аммо менга муносабати ўзгача эди. Айрим пайтлар ички сирларимизни бир-биримизга айтар эдик. Хизмат тақозоси туфайли Тошкентга кўчиб, домла билан охирги йилларда кам кўришадиган бўлсам-да, у киши билан ўтган йилларимни ҳамиша миннатдорлик билан эслардим. Хабар ололмасам-да, ёнида икки норғул, забардаст невараси борлиги учун домладан кўнглим хотиржам эди.

Мавлон Жўрақулович ректор бўлган йиллар собиқ совет тузумининг "қайта қуриш даври" аталмиш кескин талотўплар ва ўзгаришлар даври эди. Бу даврда раҳбарлик қилиш жуда мураккаб эди. Бир томондан турли бузғунчи гуруҳларнинг "демократик талаблар"ни ўртага ташлаб, бошқарув тизимини издан чиқаришга бўлган уринишлари, иккинчи томондан, тобора авж олиб бораётган маҳаллийчилик ва миллатчилик оқибатида жамият парокандаликка юз тута бошлади. Бу ҳолат зиёлилар маскани бўлган университетда айниқса, яққол кўзга ташланарди. Шундай шароитда Мавлон Жўрақуловичнинг улкан ҳаётий тажрибаси, юксак раҳбарлик қобилияти туфайли университет мафкуравий бўҳрондан талафотларсиз чиқиб олди.

Мавлон Жўрақулович учун университет иккинчи уйга айланганди. Ишдан кейин ҳам кечгача ҳудудни кезар, ободончилик ишларини бевосита ўзи назорат қиларди. У кишининг даврида университетнинг тўққиз қаватли биноси қурилди, талабалар шаҳарчасида муҳташам ошхона қуриб битказилди, лабораторияларнинг моддий-техник таъминоти талаб даражасига келтирилди, университет музейи ва илмий кутубхонаси таъмирланди.

Домла узоқ йиллар тарих факультетини бошқарди. Ўзбекистон Фанлар академияси Самарқанд археология институти директори, академик Аҳмадали Асқаров билан яқин ҳамкорликда Самарқанд археология мактабининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшди. Ректорлик даврида ҳам илмни ташлаб қўймади. Шу йилларда ўнлаб мақолалари, монографиялари, дарслик ва ўқув қўлланмалари нашрдан чиқди.

Мавлон Жўрақулович мақтовни ёқтирмасди ва ўз ишларини кўз-кўз қилиш, хизматини миннат қилишдан жуда йироқ инсон эди. Ҳатто мансаб масаласида ҳам университет ўқитувчиси бўлиш ҳар қандай мансабдан юқори деган ақидага амал қиларди. Ҳеч ёдимдан чиқмайди, бир куни кечга яқин қўнғироқ бўлиб, ректоратга бирин-кетин вилоят ҳокими Пўлат Абдураҳмонов бошчилигида бир неча расмий кишилар кириб келишди. Ичкарида анча ўтириб қолишди. Масала жиддийлигини тушундим. Хуллас, Тошкентдан бир кишига академикликни олиб бериш масаласи кўтарилган, бунинг учун бирор университетда ректор лавозимида бир муддат ишлаши зарур бўлган экан. Марказдагилар Самарқанд давлат университетини танлашган. Аммо Мавлон Жўрақуловичнинг обрў-эътибори, университет олдидаги хизматлари барча томонидан эътироф этилгани учун у кишини вилоят ҳокимининг муовини лавозимига кўтариш орқали бу масалани ечишга келишилган. Пўлат Мажидович Абдураҳмонов домлага нисбатан ҳурмати баланд бўлгани сабабли ётиғи билан тушунтириш учун ўзи ректор ҳузурига келган экан. Мавлон Жўрақулович эътироз билдирмади, аммо таклиф этилган лавозимни рад этди ва университетда ўз кафедрасида қолишни афзал кўришини айтди. Домла умрининг охиригача ўз университетига муқаддас даргоҳ сифатида қаради ва садоқат билан хизмат қилиб ўтди. Давлатимиз устознинг хизматларини муносиб тақдирлади. "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" фахрий унвонлари ва бир неча медаллар соҳиби бўлди.

Таниқли археолог олим, тарих фанлари доктори, профессор Мавлон Жўрақулович Жўрақулов Самарқанд давлат университети тарихида ўчмас из қолдирди. Унинг ишини фарзанди Дилфуза Жўрақулова муносиб давом эттираётгани, невараси Шоҳрухжоннинг илм оламига дадил кириб келаётгани домланинг ушалмаган армонлари ушалишига хизмат қилади.

**Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ,**
**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори,**
**филология фанлари доктори, профессор.**

**Har yili yoz fasli yaqinlashsa, hududlarda o'quvchi va talabalarning bo'sh vaqtini mazmunli o'tkazishga alohida e'tibor qaratiladi. Turli tanlovlar, sport musobaqalari, festivallar o'tkaziladi. Bu yaxshi, albatta. Ammo o'tayotgan tadbirlar ko'ngildagidekmi? Olis hududlarda yashovchi yoshlarni qamrab olish darajasi qoniqarlimi? Bu savolga javob topish osonmas.**

# Xo'jako'rsinga o'tgan tanlovdan nima naf?

Respublika miqyosida o'tkaziladigan tanlovlar yosh iste'dod egalarini izlab topish va ularni har tomonlama qo'llab-quvvatlashga qaratilgan. Iqtidorini namoyon etishga imkon topolmayotgan o'g'il-qizlarimiz ayniqsa, chekka qishloqlarda ko'p. Ularga to'g'ri yo'l ko'rsatadigan, zarur maslahat bera oladigan yetakchilar kerak.

Shu paytga qadar ta'lim muassasalari, korxona va tashkilotlarda yoshlar yetakchisi vazifasida faoliyat ko'rsatgan xodimlarning ishlari ko'ngildagidek samara bermadi. Bugungi kunda ular o'rnida mahallalarda yoshlar yetakchilari ish boshladi. Ularga yetarlicha sharoitlar ham yaratib berilyapti. Shuningdek, avvalgi yetakchi oyligidan ikki baravar ko'p haq to'lanyapti. Ammo aksariyat mahallalarda, ayniqsa, olis hududlarda haligacha ularning o'rni deyarli sezilmayotgandek.

Yaqinda bir tumanda yosh ijodkorlar o'rtasida o'tkazilayotgan "Mushoira" tanlovini kuzatdim. Unda ishtirok etishi kerak bo'lgan mahallalar yoshlarining aksariyati qatnashmadi. Shuningdek, tanlov hakamlar hay'ati a'zolari orasida she'riyatni yaxshi tushunadigan shoir yoki yozuvchini, hech bo'lmasa, ona tili va adabiyot o'qituvchisini ko'rmadim. Bu esa tanlov "xo'jako'rsinga" tashkil etilganidan darak berardi.

Yana bir shunga o'xshash tanlovda qatnashdim. Nizomda belgilangan vaqtdan ancha kech o'tkazilayotganiga qaramasdan g'oliblarni taqdirlashda faqatgina faxriy yorliq bilan chegaralangani ishtirokchilarning ko'nglini og'ritgani aniq. Va'da qilingan sovg'alar esa – nasiya.

Yana bir gap, ayrim tanlovlar nizomi bilan tanishib chiqsangiz, ko'plab g'alizlik va tushunmovchiliklarga, xatolarga duch kelasiz.

Tanlov ayniqsa, respublika miqyosida o'tkaziladigan bo'lsa, mas'ullardan ko'proq mas'uliyat talab etilishini his qilishimiz kerak emasmi? Xo'jako'rsinga o'tkaziladigan tadbirlardan nima naf?! Chekka hududlarda cho'g'lanib turgan iste'dodlar alanga olish o'rniga kulga aylanib qolmasligi uchun tashkilotchilar ishiga vijdonan yondashishi kerak.

**To'lqin SIDDIQOV.**

# ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Ўғри пулу бойликни ўмарса, номуссиз иймонни ўғирлайди.

Ахлоқсиз кишининг маънавий биноси нечоғлик сайқалланмасин, вайроналигича қолаверади.

**Ўринбой НОРМАТОВ.**

Муштарий мулоҳазаси

**Юртимизнинг жаннатмакон дейилишининг боиси шундаки, ундаги ҳар бир гиёҳ инсонга хизмат қилган. Ҳатто таъми аччиқ, нордон мевалардан ҳам саломатлик учун фойдаланилган. Бироқ биз дорихоналар маҳсулотига берилиб кетиб, уларни унутдик.**

# Қадимий экин навлари йўқолмасин

Мисол учун зиғир, кунжут Зарафшон дарёсининг бўйида, Булунғурдан Ғиждувонгача экилган. Унинг ҳосилидан табобатда ҳам фойдаланишган. Бугун эса биз бу ёғларни дорихонадан ёки бозордан сотиб оляпмиз.

Итқовун деган қовун бўларди. Турли экинларнинг ичида ўсарди ва беозор эди. Сариқ касаллигининг олдини оларди. Ота-боболаримиз ундан ана шу мақсадда фойдаланишган. Бугун бу нав йўқ, бинобарин, ўрнига ҳар қутиси икки уч миллион сўм турадиган сунъий дорилар пайдо бўлди.

Кимгадир эриш туюлса-да, оқ жўхорининг йўқолиб бораётганини писанда қилмоқчиман. Ахир гўжа оши ичганда унинг таъми, фойдасини сезаяпмиз-ку! Нега ҳар битта инсон ўз хонадонида ҳеч бўлмаганда беш-ўн тупдан ана шу жўхоридан экмайди? Унинг поясидаги шира алоэ дорисидан ўн карра зўр. Бобом раҳматли помидор ораларига оқ жўхори экиб, у ўсиб чиққач, ёнига ловиянинг уруғини ташларди. Ловия жўхори поясига ўралиб ўсарди ва иккаласи бир вақтда пишиб етиларди.

**Турди ТУРСУНОВ,**
**меҳнат фахрийси.**

# Она замин меҳри

Мактаб қурилиши ниҳоясига етиб борар, дафъатан ташриф буюрган муовин қурилиш муҳандисини баланд чинор остидаги салқин жойга таклиф қилди:

- Х-ў-ш, ўқиш бошлангунга қадар тугатамизми?

- Ҳа, хўжайин, албатта, - деди муҳандис.

- Мана бу дарахтни ҳам кесиб олиш керак. "Экология"га айтсанг, қуриган деб далолатнома тузиб беради. Оладиган мижоз бор.

Муовин ҳаллослаб етиб келган мактаб директорига сув олиб келишни буюрди.

Сув келтиргач, мактаб раҳбари ийманибгина деди:

- Дарахт қурилишга халақит бергани йўқ-ку?!

- Мулла опа, сиз қурилишни тушунмайсиз, бориб ўз ишингизни қилинг. Янги ўқув йилига тайёрланинг, - дея зарда қилди муовин.

Хуллас, дарахтни кесишди, йиллар давомида чуқур илдиз отган дарахт заминдан бир ҳовуч тупроқни ўзи билан олиб йиқилди.

Эҳ, бу пайтда шу дарахтнинг барглари олтин тусга кириб, ёмғир томчиларида товланар, зарғалдоқ, қизил ранглар жилоланиб, ажиб бир манзара акс этарди. Осмонни ўпиб, қачонлардир паға-паға булутлар билан ўйнаган, майин эсган шамолнинг куйларига жўр бўлиб, қордан заррин оппоқ чопон ёпинган дарахт бугун ер билан битта бўлди.

...Мактаб очилишига ҳамма келди, табриклашди, қутлашди. Лекин ҳеч ким кўрк бериб турган дарахтни эсламади. Ҳатто сўз олиб, қурувчиларни кўкка кўтариб мақтаган, бир вақтлар синфдошлари билан шу дарахт атрофида ўйнаб, болалиги ўтган Илҳом бобо ҳам уни унутди.

Лекин она заминнинг меҳрини қарангки, бағрига йиқитилган дарахт танасидан кўм-кўк новдалар униб чиқди...

**Тоҳир ҲАМИДОВ.**

Ижод гулшани



# Қишлоқ манзараси

Бир қарашда ушбу асарда тоғ бағрида жойлашган биргина уй тасвирланган. Аммо асарнинг номи - "Қишлоқ манзараси".

Одатда тоғли ҳудудларда уйлар бир-биридан узоқроқ жойлашади ва ҳовлининг ҳудудини белгилаш учун чегаралар қилинади. Бундан пайқаш мумкинки, асарда биргина уй эмас, асар номига хос тоғ бағридаги қишлоқ тасвирланган. Уй олдидаги дарахтларнинг яшиллиги-ю, тоғ ёнбағирларидаги сарғайган ўт-ўланлар ёзнинг биринчи ярмидан дарак бериб турибди.

Тандир ва ўчоқ, унда олов ёнаяпти ва осмонга тутун таралаяпти. Асарни томоша қилган киши ўчоқдаги олов ва дарахтларнинг соясидан ижодкор куннинг тушга яқин пайтини муҳрлаганини пайқайди. Мусаввир дарахтлар, уй, бутун борлиқни моҳирлик билан тасвирлаганки, уни томоша қилган киши гўё ўзини шу сурат манзарасида кўради.

Истеъдодли рассом Й.Жўмартовнинг 1988 йилда чизилган ушбу асари ҳозирда Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейида намойиш қилинмоқда. Самарқанд давлат музей қўриқхонаси ранг-тасвир фондида рассомнинг "Урганч тарихи", "Болаликни хотирлаб", "Ўйлов", "Эски уй" каби асарлари ҳам сақланяпти.

**Бектемир САТТОРОВ,**
**Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси бош мутахассиси.**

MATBUOT UYI
Zarafshon
Самаркандский Вестник

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

*Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438.*
*19 167 nusxada chop etildi. Buyurtma 371. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2*

***Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.***

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56
BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61
MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.
Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: **A.SHERXOLOV.**
Navbatchi: **S.MARDIYEV.**
Sahifalovchi: **B.ABDULLAYEV.**

Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X
9 772010 667009

Sotuvda narxi kelishilgan holda